

## БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ

**Исаджанов Абдували Абдурахимович**

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси, профессор в.б., и.ф.д.,  
isadjanov@inbox.ru, +998 90 3207034*

**Аннотация:** мақолада глобаллашув ва экологик хавф ва таҳдидлар шароитида корпоратив тузилмалар инновацион фаолиятининг хусусиятлари, экологик таҳдидларнинг миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига таъсири, экологик ва иқтисодий тизимларни шакллантиришдаги муаммолар ва эко-инновацион ёндашувга асосланган камуглеродли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** барқарор ривожланиш, экология, экологик таҳдидлар, камуглеродли иқтисодиёт, эко-инновация.

**Аннотация:** в работе рассмотрены особенности инновационной деятельности корпоративных структур в условиях глобализации и экологических рисков и угроз, показано влияние экологических угроз на устойчивое развитие национальной экономики, выявлены проблемы формирования эколого-экономических систем и приоритетные направления развития низкоуглеродной экономики на основе эко-инновационного подхода.

**Ключевые слова:** устойчивое развитие, экология, экологические угрозы, низкоуглеродная экономика, эко-инновации.

**Annotation:** the paper considers the features of the innovative activity of corporate structures in the context of globalization and environmental risks and threats, shows the impact of environmental threats on the sustainable development of the national economy, identifies problems in the formation of ecological and economic systems and priority areas for the development of a low-carbon economy based on an eco-innovative approach.

**Key words:** sustainable development, ecology, environmental threats, low-carbon economy, eco-innovations.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви мамлакатлар иқтисодиётини тез суръатда ўсишини таъминлаш билан биргаликда баъзи бир глобал муаммоларни ҳам юзага чиқараяпти ва натижада иқтисодиётнинг барқарор ривожланиш модели доирасида глобал экологик ўзгаришларни ҳисобга олишни талаб қилмоқда. Маълумки, дунёда содир бўлаётган ва тобора ривожланиб бораётган табиий жараёнлар экологик таҳдидлар билан бевосита боғлиқлиги эътироф этилмоқда.

Глобал экологик қалтисликлар қаторига биосферани бузилиши, экотизимнинг ўзгариши, ерларни деградацияси, ўрмон ва кўлларни йўқ бўлиб

кетиши кирмоқда. Уларнинг келиб чиқишида техноген фаолиятнинг таъсири нафақат атроф-муҳитнинг ўзгариши ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши билан, балки экологик-иқтисодий ва табиий-хўжалик тизимларининг ҳам ўзгаришига олиб келмоқда.

Антропоген-техноген омилларни кучайиб бориши янги тенденцияни кашф этмоқда. Барча иқтисодий субъектлар экологик таҳдидларни бартараф этиш учун сарфланаётган харажатларни эътиборга олишлари зарур бўлмоқда. Борган сари жаҳонда иқтисодий ўсиш билан биргаликда экологик харажатлар ҳам ортиб бормоқда. Хозирнинг ўзида атропоф-муҳит муаммолари билан боғлиқ бўлган харажатлар жаҳон ялпи ички маҳсулотининг камида 4-6 % ташкил қилмоқда.

Натижада, юзага келаётган ўзгаришлар борган сари чуқур ва комплекс тавсифга эга бўлиб, барқарор иқтисодий ривожланиш муаммолари ҳал қилишда экологик масалаларни кўндалак қилиб қўймоқда (глобал исиш ва иқлим ўзгариши, табиий ва техноген офатлар, кибер таҳдидлар ва ҳ.к.) [1].

Жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланиш моделини яратиш ва татбиқ этишда, мамлакатларнинг модернизация жараёнларини жадаллаштириш билан боғлиқ тадқиқотларда глобал экологик ўзгаришлар ҳисобга олинмоқда ва “камуглеродли жамият” шаклланиши устивор мақсад этиб қўйилмоқда. Бу борада иқтисодий ривожланишнинг инновацион жиҳатларини ривожлантириш нафақат иқтисодиётни модернизация қилиш ва барқарор иқтисодий ўсишнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, балки инқирозли вазиятларни бартараф қилишнинг муҳим чораси ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида глобал инновацион индексда мамлакатимизнинг ўрнини яхшилаш ва 2030 йилга қадар топ-50 мамлакатлар қаторига кириш белгиланган [2].

2009 йилдаги глобал молиявий инқироздан бери OECD ҳудудида корхоналарнинг илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига (R&D) сарфланган харажатлар жами харажатларда қарийб тўртдан уч қисмини ташкил этди ва ўсишида етакчилик қилиб келмоқда. 2020 йилда ҳам бизнес сектори R&D га ажратилган харажатларининг ўсиши бўйича бошқа тармоқларни ортда қолдирди [3].

Илмий тадқиқот ва инновацион фаолият соҳасида халқаро ҳамкорликнинг чуқурлашуви саноат фирмалари ва компаниялари томонидани бажариладиган илмий тадқиқотларнинг қиймати ва ҳажми ўсиши билан изоҳланади. Саноати ривожланган мамлакатларда R&Dнинг катта ҳажми трансмиллий корпорациялар (ТМК)да мужассамланади.

Шу билан бирга, минтақанинг бой табиий ресурслари, энергетикаси ва сувдан фойдаланиш борасида аниқ қўшма иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш, транспорт коммуникацияларини, авиасозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, телекоммуникациялар соҳаси, информатикани ривожлантириш, газ ва нефть қувурларини қуриш йўли билан минтақавий интеграцион бирлашмалар (жумладан, ШХТ, МДХда) доирасида иқтисодий ҳамкорлик миқёсининг ҳар томонлама кенгайтирилиши ҳам давлатлараро молиявий-саноат гуруҳлари (ДМСГ)ни шакллантириш ва ривожлантириш учун шарт-шароит яратади.

Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган ўзгартиришлар уни янада эркинлаштиришга боғлиқ бўлиб қуйидаги тенденциялар билан тавсифланади: корпоратив тизимда давлатнинг роли пасайиши; жаҳон иқтисодиётида трансмиллий корпорациялар (ТМК) ва маҳаллий тадбиркорлик тузилмалари билан интеграциялашган корпоратив тузилмалар (молиявий-саноат гуруҳлари, холдинглар, стратегик альянслар)нинг салмоғи ўсиши ҳамда ушбу асосда интеграциялашган глобал ва минтақавий корпоратив тизимларнинг шакллантирилиши; корпоратив тизимда хизматлар сегментининг, жумладан интеллектуал маҳсулот савдоси билан шуғулланувчи корпорацияларнинг салмоғи ўсиши; эко-инновацияларга эътибор кучайиши кузатилмоқда.

Эко-инновация бошқа инновация турлари билан солиштирганда иккита муҳим хусусиятга эга. Биринчидан, эко-инновация - бу атроф-муҳитга таъсирни камайтиришга олиб келадиган инновация бўлса, иккинчидан, эко-инновация барқарор ривожланишни таъминлайдиган кенгроқ ижтимоий механизмларни ўз ичига олади [4].

Бу борада, биринчидан, эко-инновацион дастурларни жорий этиш ва самараси тўғрисидаги маълумотларни кенг тарқатиш ва энг яхши тажрибаларни оммавий ахборот воситаларида ва илмий мақолаларда ёритиш, амалга оширилаётган дастурлар ва илғор тажрибалар бўйича доимий, мустақил ва объектив баҳони бериб бориш катта аҳамиятга эга.

Иккинчидан, корпоратив тузилмалар фаолиятида катта эътибор “экологик инновация”лар қаратилиши, ишлаб чиқариш, маҳсулот яратишда илғор технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнлари, шартлари ва бошқарувида ҳамда бизнес юритиш усулларида атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш ёки ресурслардан оптимал фойдаланишдир [5].

Жаҳондаги йирик трансмиллий корпорациялар энергия самарадорлиги юқори бўлган ва иссиқхона газларини атмосферага камроқ ажратиб чиқарадиган технологияларга инвестициялар ҳажмини кенгайтирмоқдалар. Ривожланишнинг янги модели иссиқхона газларини камроқ ажратадиган технологияларни талаб қилапти. Бундай аҳволни яхшилаш учун экологик инновациялар натижасида электр энергиясига бўлган талабни альтернатив ва

қайта тикланувчи энергияларни қўллаш доирасини кенгайтириш назарда тутилади.

Миллий ва халқаро даражада янги эко-инновацион лойиҳаларини амалга ошириш, хавфларни тақсимлаш бўйича халқаро келишувларни ишлаб чиқиш ва билим, технология ва маълумот алмашинувини қўллаб-қувватлашга доир тадбирларни амалга ошириш лозим.

Шунинг билан биргаликда, глобал экологик ўзгаришлар планетар аҳамият касб этиб, иқтисодий-назарий ёндашувдан келиб чиқиб замонавий иқтисодий ривожланиш моделининг ажралмас қисмига айланганлигини эътироф этиш мумкин. Мавжуд экологик таҳдидларни бартараф этишда нафақат минтақавий ва миллий ёндашув, балки барча хўжалик юрутувчи субъектлар томонидан комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш долзарб масала ҳисобланади.

Саноат секторида “Экологик талабларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштириш” (Design for the Environment (DfE) ҳаракати доирасида чора-тадбирларни амалга ошириш, компаниялар орасида “маҳаллий ҳамжамият билан ўзаро муносабатлар ва тараққиёт” (CRD) халқаро амалиётини ва “корпоратив ижтимоий жавобгарлик амалиётини” (CSR) жорий этиш ва экологик соф технологиялар ташкил этиш билан боғлиқ тадқиқотлар ва ишланмаларни давлат томонидан мақсадли қўллаб-қувватланишини жорий этиш катта аҳамият касб этади.

### **Фойдаланган адабиётлар рўйҳати:**

1. Пять основных глобальных рисков в 2023 г. <https://inosmi.ru/20221220/ekonomika-259034162.html>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/uz/docs/5841063>
3. OECD Main Science and Technology Indicators Highlights - March 2022 <https://www.oecd.org/sti/msti-highlights-march-2022.pdf>
4. Казанцева А.Н. Эко-инновации как инструмент перехода к устойчивому развитию. <http://cyberleninka.ru/article/n/eko-innovatsii-kak-instrument-perehoda-k-ustoychivomu-razvitiyu>
5. Медовников Д., Оганесян Т. Ничего лишнего // Эксперт. М. 07.07. 2008.